

ОЛИМЛИК ЗАКОВАТИ – ОДАМИЙЛИК ЗИЙНАТИ

Илм инсониятни комиллик сари етакловчи Яратганинг бебаҳо неъматидир. Машаққатли йўлда садоқатли бўлган инсонларга илм уз сир-асрорларини очади ва юксалиш нурлари билан баҳраманд этади. Шунинг учун ҳам мукаддас Ҳадисда бешикдан кабргача илм излаш хусусида сўз бориши бежиз эмас.

1940 йил 2 майда Фарғона вилоятининг Бешарик туманидаги Рапқон кишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган, ҳадиси шарифда айтилган амалларга риоя қилиб яшаган, умрини илм излаш, илмпарвар ва илмли шогирдлар авлодини тайёрлаб, жамиятга етказишдек эзгу ишларга бахш этган етук олим, устозимиз Ёрмат Тожиев маърифат дунёсига садоқат ва одамийлик билан хизмат қилган олийжаноб инсонлардан эдилар. Устоз 1947-1957 йилларда киндик қони тукилган кишлоқдаги 26-умумтаълим мактабида савод чиқарди ҳамда билим даргоҳини имтиёзли тамомлади. Шундан сўнг, меҳнат фаолиятини бошлаб, 1952-1959 йилларда колхозда табелчи, кейин чилангар, ҳайдовчилик касблари билан шуғулланди. Фаолияти давомида турли одамлар билан муносабатда бўлиши, жамият муҳитини урганиши, машаққат ва масъулият моҳиятини барвақт англаши бўлажак олим қалбида илмли инсон бўлиш орзусини пайдо қилади. Кундан кунга ўсиб борган бу орзу ниҳоли ҳайдовчилик касбини тўхтатиб, уни ниҳоят олий даргоҳга етаклаб боради.

1962-1967 йилларда Тошкент Давлат университетининг

филология факультетида Субутой Долимов, Гулом Каримов, Озод Шарафутдинов, А.Кононов, Лазиз Каюмов, Сиддик Фузаилов, Фароғат Убаева, Миразиз Миртожиев каби улуг ва таникли устозлардан сабоқ олиб, ушбу дорилфунунни имтиёзли диплом билан тугатишга муваффақ бўлади. Қолаверса, шу йилнинг узидаёқ ТошДУнинг Ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишда қолдирилади. Талабалик чоғлариданок ақл-заковат, ўткир зехнга эғалиги, зийраклиги ва тилшунослик илмига бўлган иштиёқи туфайли ХХ аср илмий тилшунослигининг асосчиси, ўзига хос илмий мактаб яратган олим Аюб Гуломовнинг эътиборига тушади ҳамда чин, садоқатли устоз-шогирдлик муносабатларини ўрнатади. Шу тарзда ўзбек тилшунослиги илмига тамал тошини қўйган профессор Аюб Гуломов Ёрмат Тожиевни тил илмининг сирли дунёсига олиб кириб, унда ўз шахсий ибрати билан шу фанга бўлган мухаббатини ривожлантиради, олим сифатида шаклланишида доимий етакчилик қилади. Самимий дўстлик, ишонч, садоқат, меҳр каби оддий инсоний туйғулар бу икки буюк олим ўртасидаги устоз-шогирдлик анъаналарини олимлик ва одамийлик уйғунлигида давом эттиради.

Ёрмат Тожиев 1974 йили ўқитувчи-тадқиқотчи сифатида устози, етакчи тилшунос профессор Аюб Гуломов илмий раҳбарлигида «Ўзбек тилида эга эканлик ва эга эмаслик маъноларини ифодаловчи аффикслар маънодошлиги» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилади. 1978 йилдан илғор олимлар қаторида кафедра доценти лавозимида ишлай бошлайди. Ун йилдан ортиқ меҳнат қилган олим 1990 йилда «Ўзбек нутқи маданияти кафедрасига мудир» этиб тайинланади.

Йиллар давомида изланиш ва ўрганишни қанда қилмаган олимнинг соҳада янада тажрибаси ошиб, 1992 йили «Ўзбек тилида аффиксал синонимия» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилади. Кафедра мудири лавозимида фаолият юритаётган домланинг яқунланган докторлик диссертация иши собиқ иттифок ОАКига юборилади.

Бироқ докторлик ҳимояси мустақиллигимизнинг дастлабки йилларига тўғри келиб қолганлиги туфайли, шу йили Ўзбекистонда ташкил қилинган ОАК ҳам ушбу тадқиқотни қабул қилиб олади. Натижада, ҳар икки ташкилот ҳам ишни муносиб баҳолаб, Ёрмат Тожиёвга «Филология фанлари доктори» илмий даражасини беришни маъқуллайди.

Профессор Ёрмат Тожиев тилшуносликнинг деярли барча соҳаси бўйича илмий қузатишлар олиб борган олимдир. Илмий ҳаётида тинимсиз меҳнат қилган устоз, асосан, ўзбек тилидаги сўз, ўзак, негиз муносабатлари, ўзак морфемаларнинг фонетик тузилиши, аффикс морфемалар, аффикс морфемаларнинг ҳосил бўлиши, форма ҳосил қилувчи эргаш морфемалар, аффиксларнинг кўп маънолилиги, аффиксларда омонимия, синонимия, полисемия каби масалаларга бағишланган тадқиқотлар устида ишлади.

Олий даргоҳдаги ўқитувчилик фаолиятини 1967 йилда бошлаган Ёрмат Тожиев 55 йил давомида илмий фаолиятини педагогик фаолияти билан уйғунлаштириб олиб борди. Бу ўтган вақтлар оралиғида 20 га яқин фан учун жуда муҳим бўлган монография, дарслик, ўқув қўлланмалари нашр эттирди. Айниқса, бугун ҳам соҳада ўқитилаётган фанлар учун асосий манба вазифасини бажариб келаётган «Шаҳс отлари ясовчи аффикслар маънодошлиги» (1981), «Ўзбек тили морфемикаси» (1992), «Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари» (1994), «Ғеълларнинг ясалиши» (1994), «Ўзбек нутқи маданияти» (2000), «Нутқ маданияти» (2010), «Ўзбек тилидаги эргаш морфемаларнинг семантик-стилистик хусусиятлари» (2012) каби монография ва қўлланмалари тилшунослик илми таракқиётига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Олимнинг илмий-педагогик фаолияти давомида шу йўналишлардаги турли долзарб масалаларга бағишланган 200 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалари илмий журналлар, тўпламлар ва газеталарида чоп этилди. Шунинг билан бирга, жонқуяр олим бир неча номзодлик ва докторлик диссертаци-

яларига ҳам расмий оппонентлик қилди, 20 га яқин соҳа учун муҳим китобларнинг тайёрланиб, нашр этилишида муҳаррир сифатида бош-қош бўлди.

Йиллар давомида профессор Ёрмат Тожиев ўзбек тилшунослиги соҳасига оид «Ўзбек тили тарихи», «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси», «Ўзбек тилшунослиги тарихи», «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили морфемикаси ва морфонологияси», «Ўзбек тили морфологияси», «Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари», «Нутқ маданияти ва нотиклик санъати», «Тил назарияси», «Тилшуносликка кириш», «Психоллингвистика» каби фанлар бўйича бакалавр ва магистрлик йўналишларида маърузалар ўқиб, ўз шогирдларига бебаҳо маърифат нурларини улашди.

Бундан ташқари, ўзининг самарали педагогик фаолияти давомида уриндошлик асосида ўн беш йилдан ортиқ Авлоний номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида, ўн икки йилча Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида, ўн йилга яқин Тошкент Ислом университетида ва Тошкент Миллий хавфсизлик хизмати институтида «Нутқ маданияти ва услубият асослари», «Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» курслари бўйича илмий-амалий маърузалар ўқиганлиги тайёрланаётган мутахассислар салоҳиятини ошишига хизмат қилди.

Профессор Ёрмат Тожиев ўз илмий-педагогик фаолияти давомида ТошДУ ҳузуридаги фан доктори химояси учун ихтисослашган кенгаш аъзоси ва илмий котиби (1993 йилдан), ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги докторлик диссертациялари химояси учун ихтисослашган кенгаш аъзоси (2000 йилдан), Хўжанд Давлат университети (Тожикистон) ҳузуридаги докторлик диссертациялари химояси учун ихтисослашган кенгаш аъзоси (2005 йилдан), Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги докторлик диссертациялари химояси учун ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида (2016 йилдан) ҳам фаолият кўрсатиб келди.

Захматкаш олимнинг илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги фаолияти ҳам салмоқлидир. Профессор Ёрмат Тожиев илмий раҳбар бўлган 26 нафар тадқиқотчи номзодлик диссертацияларини, 5 нафар докторант докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиши олимнинг нечоғлик илмпарвар инсон эканлигини кўрсатади.

Тилшунос олимнинг самарали педагогик ва илмий фаолияти Ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб «Маънавият фидойиси», «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари, «Шухрат» медали сингари мукофотлар билан тақдирланди.

Устоз ҳаётлари давомида турмуш уртоқларига, қариндош ёр-биродарларига, оила аъзоларига, ҳамкасбларига, шогирдларига, қўйингки, барчага дўстона ва самимий муносабатда бўлдилар. Олимликнинг одамийлик билан уйғунлашган намунасини ўз ҳаётлари давомида исботладилар. Миллат илми келажагини ўйлаб яшаган ва буни ўз шioriга айлантирган кишилар орасида ўзларининг фидойи меҳнатлари билан олдинги сафда одимладилар ва барча учун ИБРАТЛИ ҲАЁТ намунасини кўрсатиб бердилар.

Афсуски, чин инсон, закий тилшунос, филология фанлари доктори, профессор Ёрмат Тожиев 2022 йил 31 январда 82 ёшида бу дунёни тарк этди. Устознинг юксак олимлик заковати, одамийлик қалби билан яратган асарлари, халқимиз маърифатининг юксалишига қўшган фидойи меҳнати илм-фан дунёсида мангу барҳаётдир. Қўплаб етук олимларнинг самимий ва меҳрибон устози, забардаст олим Ёрмат Тожиевнинг ёрқин хотираси ҳамкасблари, шогирдлари ва яқинлари қалбида абадий сақланиб қолади.

Илоҳим, УСТОЗнинг руҳлари шод, охираглари обод бўлсин...

Султонбек НОРМАМАТОВ,
филология фанлари доктори